



20 26 y. «20» 01 № 7.3/128

МАЪЛУМОТНОМА

**(“Uzbekistan Airways” АЖда Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш,
уларнинг олдини олиш чораларини қўриш ва натижалари ҳақида
ҳисобдорлик тизими йўлга қўйилганлиги тўғрисида)**

Ўзбекистон Республикаси 2017 йил 3 январ куни ЎРҚ-419-сонли “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 май куни ПҚ-240-сонли “Давлат бошқарув соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорга асосан “Uzbekistan Airways” АЖ тизимида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш чоралари бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сонли қарорига асосан “Uzbekistan Airways” АЖ ва унинг таркибий тузилмаларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалар фаолияти ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сонли қарорига асосан:

- “Uzbekistan Airways” АЖнинг коррупцияга қарши ички тузилмалар фаолиятини тартибга солиш, коррупцияга қарши самарали курашиш ва олдини олиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича ички идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқилди;

- Коррупция ва манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари (ишонч рақамлар, веб сайтлар ва электрон почта) ташкил этилди;

- бўш иш ўринларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг оммага эълон қилиш, ҳужжатларини қабул қилиб ўрганиб чиқиш электронлаштирилди ва комиссия таркибида очиқ, шаффоф ҳамда адолатли қарор қабул қилиш тизими йўлга қўйилди;

- бизнес муносабатга киришувчи ҳамкорлар, агентлар ва контрагентларни ишончлилигини текшириш тартиби йўлга қўйилди;

- манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва йўл қўймаслик мақсадида “Uzbekistan Airways” АЖ ва унинг таркибий тузилмаларининг барча ходимлари манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни тўлдириш тартиби йўлга қўйилган;

- “Uzbekistan Airways” АЖнинг коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган таркибий бўлинмаларининг барча функция ва вазифаларида коррупциявий хавф-хатарлар ва уларни минималлаштириш чора-тадбирлар харитаси ишлаб чиқилган;

- 2025 йил якунлари бўйича “Uzbekistan Airways” АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларда коррупциявий хавф-хатарларни ва манфаатлар тўқнашувини барвақт аниқлаш ва уларга қарши самарали курашиш бўйича ҳуқуқий билим ва кўникмаларини такомиллаштириш мақсадида 51 нафарга яқин коррупцияга қарши ички назорат ходимлари ва коррупцияга энг кўп мойил бўлган лавозимлардаги ходимларни Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида махсус онлайн ўқув курсларида ҳамда республикамизнинг бир қатор нуфузли малака ошириш марказларида ўқитилди.

Шу билан бирга, “Uzbekistan Airways” АЖ томонидан 2025 йил якунлари бўйича жами бўлиб **4 та мурожаатлар** келиб тушган бу мурожаатларнинг “Uzbekistan Airways” АЖ Коррупцияга қарши назорат хизмати ҳамда Комплаенс назорат хизматлари томонидан кўриб чиқилиб ва ўрганилди. Натижалар бўйича келтирилган важлар ўз тасдиғини топмаганлиги ҳамда коррупция аломатлари мавжуд эмаслиги сабабли аризачиларга белгиланган тартибда ёзма равишда жавоб хатлари юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 май куни ПКҚ-240-сонли “Давлат бошқарув соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорга асосан “Uzbekistan Airways” АЖ “E-Anticor.uz” электрон платформасига белгиланган муддатларда тегишли маълумотларни киритиб келмоқда.

**Korrupsiyaga qarshi ichki nazorat
xizmati boshlig'i**



R.R.Abdullin